

Н. ФОЗИЛОВ,
Г. МУМИНОВ.

Пахтакор ўртоқлар! Кўп ва а'ло сифатли пахта териб топширишга эришайлик!

Пахтани машина блан теришга пухта тайёрланмоқдалар

Гулистон районидagi Молотов номи колхоз энг йirik ва юкори ҳосили колхозлардан ҳисобланади. Колхознинг экин майдонлари, айниқса колхоз экономикасининг асоси бўлган пахта майдони йилдан-йил кенгайиб, олинаётган ҳосил тобора ошмоқда.

Колхоз а'золари бу йил 250 гектар янги ери ташлаштириш ҳисобига пахта майдони 1370 гектарга кенгайтириб, гектардан 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олгандар.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қароридан илҳомланган азамат пахтакорлар июль ойида 1370 гектар майдондаги гўзани икки марта комплекс парвариш қилдилар. Бу ҳалол меҳнат ўз самарасини кўрсата бошлади, ҳарбир гўзада ҳозир 10—14 тадан тўлиқ кўсақлар ҳосил бўлди.

Колхозчилар мўл ҳосил учун курашда ҳал қилучи давр ҳисобланган август ойида шонани гулга, гулни эса тўқ ва салмоқдор кўсақка айлантириб, уларнинг тез пишшини таъминлаш мақсадида гўза парваришини ҳар қанчадан ҳам қийинчи юбордилар.

Колхозчилар гўза парваришининг бир ме'ёрида давом этдириб, пахта йигим-теришга, айниқса пахтани машина блан теришга ниҳоятда зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Колхоз пахтакорлари бу йил 640 гектар майдондаги пахтани машина блан теришга қарор қилган эдилар. Улар пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз ва саноат корхоналари раҳбарларининг 1954 йилда пахтани машина блан теришга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари асосида барча пахта майдонларини қайтадан кўриб чиқиб, 800 гектар майдондаги пахта ҳосилини машина блан териб олиш учун ажратдилар.

Ҳозир пахтаси машина блан терилган участкаларнинг некалари текисланмоқда. Тайёргарлик керак бўлган 35 та участкадан 26 таси тахт қилиб қўйилди. Шу блан бирга 7 та автомашина, 40 та арава, 23 та тарози, колхоз территориясидаги йўл, кўприклар ремонтдан чиқарилиб ҳамда иккита янги газ сувилакиси қўрилмоқда, 60 то боғида қўйилган.

Гўза барглари сунғий тўкиш учун зарур бўладиган заҳарли моддалар тўла равишда таъин олинди. Чанглаткич-пулкатик аппаратлар трактор ва самодетларда хизмат қилувчи механизаторлар ва колхозчилар учун юмбоқсон, кўзойнак ва шу хилдаги буюмлар сотиб олинди.

2-нчи МТСнинг шу колхозда хизмат қилаётган ўртоқ А. Муҳиддинов бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари пахтани машина блан теришга намунали тайёргарлик кўриб, ўз пахта териш машиналарини юкори сифатли ремонтдан чиқаришмоқдалар. Бу трактор бригадасида 5 та СХМ—48 ва 1 та СХМ—48—М маркали пахта териш машинаси, 4 та кўрак чувиш машинаси ҳамда иккита ОДН аппарати бор. Ҳозир 4 та пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилиди. Шунингдек 4 та кўрак чувиш машинаси ва ОДН аппаратларининг ремонтни тугаллаш деб ҳисобланади. Бу трактор бригадасининг механизаторлари 200 гектар майдондаги пахта ҳосилини машина блан териб берадилар. Механик-ҳайдовчи Х. Исмомов мавсумда 70 тонна ва Ш. Жўраев 100 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Колхозчилар ва механизаторлар республиканинг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун пахтани машина блан теришга намунали тайёргарлик кўрмоқдалар.

Т. РҒЗИБОВ.

„Малик“ канали кенгайтирилмоқда

Сирдар'ё районининг колхозчилари, совхоз ишчилари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг қарорига жавобан ирригация-мелиорация ойларида астойдил ишлаб, „Малик“ сугориш каналини 12 кубометр суу онадиган қилиб кенгайтириш, канал қирғоқларини мустаҳкамлаш, тўқиб, тузув ва бошқа иш-ишотларни куриш ишларини олиб бормоқдалар.

Ҳозир канал қурилишида районнинг Охунбобов номи, Илчи номи, „ХИВ парт'езд“ колхозлари ва „Малик“ совхозининг ишчилари ишламоқдалар. Булар икки кунда 650 кубометр ер қазиниш ишларини бажардилар.

Шунингдек, райондаги Каганович номи, „Ленинград“, „Коммунизм“ колхозлари зову ва коллекторларини тозалаб чиқаришмоқдалар. Булар ҳозиргача 2800 кубометр тупроқ ишларини бажардилар.

Ж. ҲАКИМОВ.

Чиноз районининг пахтакорлари мўл ҳосил етиштириш учун бутун ёз бўйи механизаторлар блан ҳамкорликда тайёрланмоқдалар

Барча ишни КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарори асосида намунали уюштириб, гўза парваришини агротехника қондаларига амал қилиб, юкори сифатли ўтказилишига эришган районининг Ленин номи, Шерзиев номи, „Қизил Октябрь“ ва бошқа илгор колхозларининг далаларида юксак социалистик мажбуриятини бажарилишини таъминлашда даражада мўл пахта ҳосили етиштирилди. Бу колхозларнинг пахтакорлари эндиликда фидокорона меҳнат тўғрисида етиштирилган ана шу мўл-кўл ҳосилини ери ноубуд қилмастан йигим-териб олиб, даладига топшириш учун курашмоқдалар.

Ҳозир ана шу илгор колхозларнинг а'золари пахта йигим-теримга киришиб, 1954 йил ҳосилидан дастлабки ўнлаб тонна пахтани қабул пунктларига топширдилар. Азамат колхозчилар йигим-терим сур'атини тобора тезлаштириб, даладига кундан-кунга кўп пахта топширмоқдалар.

Бу колхозларнинг раҳбарлари ўтган йилги хатоларни такрорламаслик учун бу йилги йигим-теримга ҳартомонлама пухта тайёргарлик қилдилар. Ҳама нарса вақтида қил қилинди.

Ленин, умуман олганда районнинг кўпчилиги колхозларида пахта йигим-тери-



Сирдар'ё районидagi „Малик“ совхозининг механик-ҳайдовчиси Ш. Жўраев мавсумда 1050 гектар ердаги гўзани култивация қилиб берди. У пахта йигим-теримда СХМ — 48 маркали машина блан 120 тонна пахта териш мажбуриятини олди. Суратда: ўртоқ Ш. Жўраев.



Ўртачирчиқ районидagi „Ленин йўли“ колхозининг а'зоси Х. Юсупова мавсумда 15 тонна пахта теришга қарор қилди. У, ҳозир кунига 70 — 80 килограмдан пахта терайтер. Суратда: ўртоқ Х. Юсупова.



2-нчи „Бойвот“ совхозининг универсалчиси В. Болтоев гўза парвариш даврида 1100 гектар ерда култивация ўтказди. У ўзининг СХМ — 48 маркали машинасини пахта теримига тахт қилиб қўйди. Ўртоқ Болтоев мавсумда 120 тонна пахта териш мажбуриятини олди. Суратда: ўртоқ В. Болтоев.

В. Лейн, Б. Мауэр ва Қ. Рознқов

фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Республикамининг юбилейи шарафига

Бекобод районининг илгор пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорига белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида гўзаларни яхши парвариш қилдилар ва мўл пахта ҳосили етиштирилди.

Дарвинский номи колхоз катта колхозлардан бири ҳисобланади. Колхоз а'золари механизаторлар блан ўзаро ҳамкорликда ишлаб, юкори кўрсаткичларга эришдилар. Кўнйиллик таърибига эга бўлган тракторчилар бригадасининг а'золаридан Лим Борис, Раҳмат Кўмков, Ғўлдошай Байзаков ва Саттор Йўмаиёвлов каби ўртоқлар гўза қатор оралари агротехника қондаларига тўла амал қилган ҳолда ишлаб, мўл пахта ҳосили етиштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшилди.

Илгор механизаторлар пахтакорлар блан биргаликда етиштирилган мўл ҳосили теринига тайёрланмоқдалар. Ҳозир 30 дан ортиқ СХМ—48, СХМ—48 М маркали пахта териш машиналари ва 90 та янги кўрак чувиш машиналари ремонтдан чиқарилиди. Механик-ҳайдовчилардан Меҳмонжон Хўжаев, Нурилла Ғўлматов ўртоқлар Неъмат Зааров каби кеска пахтакорлар блан масаҳатлашиб, пахтаси машина блан терилган участкаларни аниқлашлар ва ўқир-қўқирларни текислаб қўйдилар.

Колхозда 40 та пахта саройи, 150 га яқин эвено омбори, 36 катта тарози бундан биринча кўн илгарик тахт қилиб қўйилган эди. Шунингдек 80 арава, 12 та юк машинаси капитал ремонтдан чиқарилиди. 1500 дан ортиқ қоп-қанор ҳозирланди.

Пахта теримига мана шундай пухта тайёргарлик қўрган колхознинг ўртоқ Абдулла Оллоберганов бошлиқ бригада а'золари теримга барвақт тушиб, бу ишни кўн сайин кучайтирадилар. Ин-

ятхон Асророва, Турдихон Оллоберганова каби уларча илгор чеварлар теримнинг биринчи кунидан 90 килограмдан ошириб а'ло сифатли пахта термоқдалар.

Бригада а'золарининг ҳарбири мавсумда ўнбеш минг килограмм пахта териш ва уни юкори сифат блан топшириш ҳамда республикамининг шонли 30 йиллик юбилейини муносиб совғалар блан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенгайтирмоқдалар.

Колхознинг Абдулгани Ғафоров, Абдуманно Ражабов ва Нурсайд Баратов ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари ҳам ўзинингчилар ҳаракатига қўшилиб, оширилган мажбуриятлар олдилар. Шу кунларда улар соатлик график асосида ишлаб, пахта териш юзасидан белгиланган нормани 150—200 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Шунингдек, 1-нчи „Далварзин“ совхозининг пахтакорлари ҳам илгорларнинг прогрессив иш таърибларини қўлланиб, гўзани агротехника қондаси асосида парвариш қилдилар. Натияда мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўдилар.

Бу ерда август ойининг бошланиб пахта йигим-теримига пухта тайёргарлик қилинди. 17 та СХМ—48 машинаси сифатли ремонт қилинди. Тош-тарози, қоп-қанорлар ва этакларнинг тахт қилиб қўйилганлиги натиясида пахта йигимини ўз вақтида бошлаб юбориш имконияти тугилди.

Районнинг илгор колхоз ва совхозларидаги чевар теримчилар пахта ҳосилини ноубуд қилмай териб олиш мақсадида юбилей олди мусобақасини қизитиб юбордилар.

А. САТТОРОВ.

Ҳосили машина блан териладиган майдон кенгайтирилмоқда

ОРДЖОНИКИДЗЕ (ЎзТАГ). Орджоникидзе районидagi Сталин номи қишлоқ хўжалик артелининг далаларида пахтадан мўл ҳосил олиб етилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўп гўза туپларига жуда кўпал етилган бўлук кўсақларни санаш мумкин.

Колхоз бу йил биринчи марта пахта териш машиналаридан кенг фойдаланади. План бўйича колхозда пахтаси машина блан териш учун 200 гектар ер белгиланган эди. Қишлоқ хўжалик артели а'золари пахта териш агрегатлари блан камиди 330 гектар ердаги, яъни бутун пахта майдонининг ярмидаги ҳосилини териш учун ҳамма имконият бор деб қарор қилдилар.

Колхозда машиналарнинг ишлаши учун кенг имконият тугдириб бериш мақсадида ер участкаларини йиритлаштириш юзасидан катта ишлар ўтказилди. Натияда кўп майдонларда ерининг узунлиги 600 метргача етди. Шунга мувофиқ равишда колхозда илри-

гация шохобчалари ҳам қайта қурилди. Бу тадбир эса 47,5 километр узунликдаги ариқларни 20,7 километрга кайтайтириш имкониятини берди. Колхоз ортиқча ариқлардан ва йўллари тугатиш ҳисобига қишлоқда равишда экин етилган 20 гектар майдонга эга бўлди.

Машина блан териш учун ажратилган майдондаги гўзалар колхоз агрозоми Кенжа Худойберганов, дала мудири Латиф Юсупов ва жуда таъриблари пахтакорлар томонидан алоҳида назорат қилиниб турилмоқда. Улар гўзаларнинг ётиб қолишига йўл қўймайлиш учун зарур чораларни кўрмоқдалар. Машина блан терилган пахтанинг сифатини ошириш учун далада бегона ўтлардан яхшилаб тозаланмоқда.

Орджоникидзе МТСнинг колхозда ишлайдиган пахта териш машиналари яхшилаб ремонт қилинди ва далага ишга чиқинга тайёр қилинди. Бу агрегатларни ҳайдовчилар теримини ўз вақтида аз юкори сифатли қилиб ўтказиш мажбуриятини олдилар.

А. ШАНХОВ.

Ўтган йилги хатолар такрорланмоқда

мига тайёргарлик ниҳоятда қониқарсиз олиб бормоқда. Айрим колхозларнинг раҳбарлари ўтган йилги хатоларни бу йил ҳам такрорламоқдалар.

Каганович номи колхоз бултур пахта тайёргарлик йиллик планини атиги 85 процент бажарган эди. Бунинг сабаби шунда бўлдики, колхоз раҳбарлари бекарлик кайфиятига берилиб йигим-теримга тайёргарлигини ўз вақтида уюштирмадилар. Натияда пахта териш тайёргарликисиз бошлади. Бригада, эвеноларда қоп-қанор етишмаслиги натиясида деришган пахта ўз вақтида пунктга юборилмади. Теримчилар ўртасида меҳнат тўғри ташола қилинмади. Уларга қулай шароит яратиб берилмади. Бунинг оқибатида уларнинг кўплари кунлик пахта териш нормаларини бажармадилар. Йўл, кўприклар, хирмонлар яхши ремонт қилинмаганидан ётигарилик даврида катта қийинчиликлар юз берди.

Мана бу ҳол колхоз раҳбарларидан бу йил пахта йигим-теримига ҳартомонлама пухта тайёргарлик қилишни таъаб қилар эди. Ленин колхоздаги ҳозирги аҳвол бунинг ақсини кўрсатмоқда. Бу ерда йўл, кўприкларни тугатишга хануз киришилмаган, хирмон жойлар ремонт

қилинмаган, тош-торози, қоп-қанор ва этаклар етарли эмас. Бу эса пахта йигим-теримининг бу йил ҳам кеч бошланганига сабаб бўлмоқда. Колхоз раҳбарлари (район Аҳмедов, партия ташкилотининг секретари Цой Ге Сон ўртоқлар) ўз айбдорлиги сабаб бўлган: „Пахта теримига хали вақт етди, бизда очилган пахтакорлар кам“ деган ноўрин баҳоналарни пеш қилаётдилар. Колхознинг ҳарбир бригадасида сон-саноксиз кўсақлар қийғи очилиб ётибди. Уларни тез ва сра ноубуд қилмай териб олиш керак.

Яна шунинг айтиш керакки, сўнгги вақтларда колхознинг биричирок бригадаларида гўза парвариши ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Натияда ҳозир ҳам 10—15 гектар ердаги гўзалар ёвойи ўт ичида қолиб келмоқда. Айрим карталарда сугориш агротехникага хилоф ҳолда ўт қазилгандан буерлардаги гўзалар қўлаб шоналарни ташлаб юбормоқда. Бу эса ҳосилини кайининга сабаб бўлмоқда. Бу ҳол колхознинг А. Иброҳимов, Б. Аҳмедов ва А. Шолден ўртоқлар бошлиқ бригадаларида руй бераётган.

Бу нуқсонларнинг келиб чиқишига колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларнинг бўш йўлга қўйилгани ҳам са-

баб бўлмоқда. Колхозчилар ўртасида оммавий-тушунтириш ишлари ёмон уюштирилган, ҳосилининг тақдирини ҳал қилинаётган ҳозирги кунларда бутун иш ўз ҳолига ташлашиб қўйилган. Масалан, Ширин Елубова, Донахон Хушмуродова, Насиба Абдуллаева сингари ўнлаб колхозчилар июль-август ойлари давомида бир кун ҳам далага чиққанлари йўқ. Каганович номи колхозининг райси Аҳмедов ва партия ташкилотининг секретари Цой Ге Сон ўртоқлар кенгашларда сўзга чиқиб: „Колхозимиз а'золари бу йил 452 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан даладига 40 центнердан пахта бериш учун курашмоқдалар“ деб ваъзхонлик қилдилару, лекин ана шу юксак мажбуриятининг бажарилишини таъминлашда оператив ва конкрет раҳбарлик қилмаётдилар.

Ўтган йилги хатоларни такрорлаш ҳоллари шу кунларда районнинг Маленков номи, Ворошилов номи, Молотов номи колхозларида ҳам яққол кўринмоқда. Чиноз район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари шунинг унутмасликлари керакки, райондаги 2—3 та илгор колхоз бўлгани блан, улар бутун районининг йиллик пахта тайёрлаш планининг бажарилишини таъминлайолашди. Пахта йигим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун ҳамма колхозлар бу мўлим ва мас'улиятли масумин пахта тайёргарлик блан кутиб олинлари керак.

Ж. ХАСАНБОВ, М. УСТАБОВОВ.

Сатира ва Юмор

Собир АБДУЛЛА.

КАСАЛ БАҲОНА...

Божотириб топди ахир, дам олишга баҳона, Пешонасин боғладик, касадан йўқ нишона. Врач дўсти «бюллетень»ни қилиб берди амаллаб, Қайтиб келди уйига у, хурсанд бўлиб «авайлаб». Айниқса иш кўп бўлганда бу баҳона кўп ёқар. Ҳоҳ кун бўйи ухла ётсун, ҳоҳла санки тоғотар. «Бюллетень» катта бўлса, ёпишишга кўна қил. Ёг чиққунча қийнат сўнгра, закуска-ю шўрва қил. Қўлтигинга ишга қисиб, иштангити «40» кўрсат, Пешонага рўмол боғла, ортигрок ичган фурсат. Қизарасан, ҳарсиллайсан, алқирайсан, э потоб. Бюллетеньни чўзади ошнинг қилиб сенга кўп «инсоф». Ана ҳузуру, ана роҳат, халқ иши деб, ғам ема, Вақоҳатнинг кўрган чоғда қилсин киши вақим. Иш қисталган кунлар келди, туз найрангу қил ҳийла, Телефонда гаплашганда ҳарсилла ҳам иқилла, Калта-калта йўталиб қўй, бюллетень чўзилсин, Сенга муҳтож кишиларнинг алоқаси узилсин, Яримталек «термометр» қўлтигинда ҳамроҳинг, Ҳамроҳингда «сув» қолмаса, кўларга қийиб оҳинг, Доктор берган дориларни иргитасан ҳарёқна, Ёлворганда хотин шўрлик, ҳеч олмасдан қўлоққа, Шовқун солиб, «боқмайсан»... деб, уйни бошга қўтариб, Касал бўлиб кўрнингизга каттиқ ўчиб, йўталиб, Кўриқ бола-чақаларни, «касал»инга ишотар. Шунда хотин «мағзини берк» деган сўзига тонар, Яна келар «40» номерли «термометр» ёнига, Иштангити кучайтирар у қўшилиб қонингга, Ҳароратдан алаҳлайсан, иш қўрилар кўзингга, Иш устида мажлис қилиб, оро бериб сўзингга, Доклад қилсанг уйда ётиб, юмпоқ ёстиқ бошингда, Хотин турар рўмол қўллаб, «вой ўлай!»... деб, қонингда,



Рассом Н. Меламед.

— Жон дадаси нима бўлди? Кўп алаҳлаб, қўрқитманг, Қўриб кеткур бу ишга, аҳволнингиз қияди таг!...

Иш қистови енгиллашар, сув сепандек идора, Резинкадек хўп чўзилди «бюллетень» бечора, «Термометр» кўп қўйилиб, ме'ёрига етганда, Идорадан кўп кишилар қишлоқларга кетганда, Қириб келар бир-бир босиб, «бюллетень»ни ушлаб, Собик касал, бухталтерга хушқумонала, хуш гап, Пахта йигим-теримига ҳамма кетди, бу қолди. Кабинетда ёлғиз қолиб, бор ташини йўқолди. «Касал» бўлиш оро кияди бу ақалнинг монига, — Сиз ҳам чикан бир қишлоққа!...

— Хо, дармон йўқ... Хо, нега? Қишлоқ чиксам шомолайман, қишлоқ менга ёқмайди, Менга қишлоқ докторлари ўзимчалик боқмайди, Қўзаб қолса «дардим» агар, «40» га чиқар иштиман, Район, қишлоқ хафа бўлмас битта одам бўлса кам!...

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

Савдо-сотиқ ишлари яхшилансин

Туркменск колхоз бозоридаги баъзи озиқ-овқат дўконларида савдо-сотиқ ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Бу ердаги Сталин райпийшкеторгининг 46-йили нон дўконига кўпчилик бўлса, сушаклар етарли миқдорда келтирилмайдилар. Айниқса дўконда тушлик дам олишдан кейин нон бўлмайди.

46-йили нон дўконининг қониқарсиз ишлаётгани тўғрисида район савдо бўлимига ўз вақтида сигнал берилган бўлса ҳам, аҳвол шу вақтга қадар ўзгармай келаяпти.

Колхоз бозоридаги Сталин райпийшкеторгига қарашли 51-нчи ва 72-нчи дўконларда ҳам савдо хизмати меҳнатқаш-

лар талабига жавоб бермайдилар. Бу дўконларда кўпчилик пахта мойи бўлмайди. Дўкон ходимлари аҳолига сотиш учун ажратилган ўсимлик мойини «жой йўл» деган баҳона блан келтирмаётдилар.

Бозорда аналларни системали равишда керосин сотилар эди. Кейинги вақтда райпийшкеторг ходимларининг айби блан керосин блан савдо қилиш тўхтатиб қўйилди. Бозор атрофида яшовчи аҳолига ҳам керосин сотиш тақиқли қилинмаётган.

Биз Туркменск бозорида савдо-сотиқ ишларини яхшилашга шаҳар савдо бўлими раҳбарларининг етарли э'тибор беришларини талаб қиламиз.

Я. МОРДУХАЕВ.

Ўқучилар дарсликлар блан та'минлансин

Бўна районда иккита еттийиллик тожик мактаби бор. Янги ўқув йили бошланди, лекин бу мактаб ўқучилари ўз ола тилларидаги дарсликлар блан та'мин етмадилар.

Район халқ маориф бўлими ва «Ўз-гавкингиторг»нинг Тошкент области катораси бунга э'тибор бермай келмоқдалар. Биринчи ва иккинчи синфлар учун «Алфбей», «Арифметика», «Хусни хат», «Ўқиб китоби» III—IV синфлар учун тожик тили грамматикаси, тарих, геогра-

Я. ИСМАТОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Тошкент“да нима гап

Газетанинг шу йил 11 июль сониди юқоридаги сарлавҳа остида редакция почтасидан берилган материалда, «Тошкент» ресторани ва «Анхор» кафедаги мавжуд камчиликлар таъриф қилинган эди.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Сазоновнинг редакцияга ма'лум қилишига газета материалли ресторан ҳамда кафе ходимлари ўртасида кенг муҳокама қилинган ва унда кўрсатилган камчиликлар тўғри топилган.

Мехнатқашлар депутатлари Юқоричиқ район Совети иккитон комитетининг редакциямизга ма'лум қилишига иккитон комитет мажлисида йўл қуриш ишларининг бориш тўғрисидаги масала муҳокама қилинган ва хатда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Янгйбозор, Бектемир ва Ўнмабозор йўллари янги кўнларда ремонт қилиш тадбирлари белгиланган. Районда йўллари тугатиш ойлги э'лон қилинган ва бу ишга киришилган.

Босилмаган хабарлар изидан

Юқоричиқ районидан келган бир хатда Жумабозор блан Янгйбозор ўртасидаги йўл қаровсанликдан бузилгани, айниқса транспорт қатнови учун қийинчилик келтиратгани, бу аҳволни қўриган ва билган район йўл қурилиш бўлимининг бошлиғи ўртоқ Абдурашидов ҳеч қандай чора қўрмай келаятгани кўрсатилган. Редакция фактларни аниқлаш ва чора қуриш учун хатни район иккитон комитетига юборган эди.

СОВЕТ-ГРЕЦИЯ САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

АФИНА, 3 сентябрь. (ТАСС). Мол обороти ва тўловлар ҳақида 1953 йил 28 июлда Совет Иттифоқи билан Греция ўртасида тузилган битимга мувофиқ навабдаги ўн икки ойлик даврда бир-бирларига мол етказиб бериш тўғрисида СССРнинг Афинадаги савдо ваколатхонаси ва Греция Ташқи ишлар вазирлиги 1954 йил 2 сентябрда бир-бирларига хат юбордилар.

СССР Грецияга нефть маҳсулотлари, тошқумир, ёғоч-тахта, автомобиль ва бошқа молларни етказиб беради. Греция СССРга тамаки, қуриқ мева, бонист ва бошқа моллар етказиб беради.

Вьетнам Демократик Республикаси э'лон қилинган куннинг тўққиз йиллиги шарафига Хо Ши Мин хузурида зиёфат

ШАНХАЙ, 3 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам информатсия агентлиги билдиради: Вьетнам Демократик Республикаси э'лон қилинган куннинг тўққиз йиллиги муносабати билан президент Хо Ши Мин 1 сентябрда Вьетнам Миллат мажлиси президиумининг раиси, республика ҳукумати а'золари, Вьетнам Халқ армиясининг бош қўмондони, Миллий бирлик фронтининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ташкилотлар, тинчликни ҳимоя қилувчи Вьетнам комитетининг, Вьетнам Совет дўстлиги жамияти, Вьетнам-Хитой дўстлиги жамиятининг вакиллари, Халқ армиясининг генераллари ва офицерлари ҳозир бўдилар.

Зиёфатда Хитой Халқ Республикасининг Вьетнам Демократик Республикасининг элчиси ҳам ҳозир бўлди.

Неру Хитой Халқ Республикаси боради

ДЕХЛИ, 3 сентябрь. (ТАСС). Деҳли радиоси билдиради: «Вош министр Неру бугун парламентда берилган саволга жавоб қайтариб, Хитой ҳукумати Хитойга келишга қаарлигини ва бу таклифни қабул қилганини тасдиқлади. Неру ўзини мамлакатда дўстона сафар қиламан» деди.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ

ПЕКИН, 3 сентябрь. (ТАСС). Халқ революцияси галаба қилганидан кейин Хитойда темир йўл қурилиши мисли қўрилмаган даражада кенгайиб кетди. 1952 йилда Ганьбэй-Жанубий Хитойда янги қурилган Чэнду-Чунци йўлида ва Ганьбэй-Шимолий Хитойдаги Тяньшуй-Ланьчжоу йўлида поездалар қатнашиболди. «Женминьжибао» газетасининг билдиришича, 1953 йилда янги қурилган 589 километр узунлигидаги темир йўллар фойдаланиш учун топирилган. Бундан ташқари ўтган йили дарҳат исиланган жойларга олиб борилган 400 километрдан ортиқ узунлигидаги темир йўл шохобчалари, заводларга олиб қирадиган йўллар ва завод ичидagi йўллар ва бошқалар қурилди. 140 километрдан ортиқ узунликда қўшйўллар қурилди ва тикланди.

Ҳозирги вақтда темир йўл қуручилар Ланьчжоу — Синцзин ва Баоцун-Чэнду темир йўлларининг жуда қийин участкаларини ўзлаштиришмоқдалар. Қуручилар Ланьчжоу-Синцзин трассасида Уяолин тоғидан ўтдилар. 1 километр узунлигида туннель қурилиш муваффақиятли суратда тамомланди. Бу йил темир йўл йўли Ланьчжоудан Хуайсибога давом этдирилди. 332 километр узунлигидаги ана шу участка қурилишининг тамомланиши келгуси йилдан бошлаб Юймин нефти ва нефть маҳсулотларини ташини учун бу йўлдан фойдаланиш имконини беради. Бунинг натижасида йилга 100 миллионда юаньдан ортиқ маблаг тежаллади.

Ҳозирги вақтда қурилатган Баоцун-Чэнду йўлининг жанубий участкасида поездалар қатнашиболди. Бу йўлнинг шимолий участкасида Цзиньлин тоғ районида туннель, шунингдек Вэйхэ дарёсига устида катта темир йўл кўприги қурилмоқда.

Чэндуни Куньмин билан ва Баоцунни Ланьчжоу билан боғлайдиган темир йўллар трассасини танлаш соҳасида топографик отрядлар ва проект ташкилотлари катта иш қилмоқдалар.

Хиндистонда «Осиё халқлари бирдамлиги» ойлги

ДЕХЛИ, 3 сентябрь. (ТАСС). «Шанти самачар» газетаси билдиради: Бутунхиндистон касса союзулар конгресси ўзининг барча ташкилотларига ишчилар оммасини «Осиё халқлари бирдамлиги» ойлгига қатнашини учун сафарбор қилишда ташаббус қўрсатишни таклиф этди. Бу ойлги Бутунхиндистон тинчлик кенгашининг қаиррига мувофиқ ўтказилади. Бутунхиндистон студентлар феларацияси ҳам худди шундай қаирриқ билан мурожаат қилди.

Мадрас тинчлик тарафдорлари комитети штабда тинчлик кенг миқёсда ўтказиб, 26 сентябрда эса оммавий митинг ва намоёнлар уюштириш ҳақида қарор қабул қилди. Штабдаги кўпгина касса союзулар митинг ўтказиш ниътидидир. Бу митингларда Чжоу Энь-лайнинг Неру билан қилган музокаралири натижасида чиқарилган баёнотда айтилган беш принципнинг аҳамияти меҳнаткашларга тушунтириб берилди.

Гарбий Бенгалия штати тинчликни ҳимоя қилиш кенгаши Калкуттада ойлгига оммавий митинг билан бошладилар. Уттар Прадеш штатида тинчлик тарафдорлари 6 сентябрда, яъни Мангалада Шарқ-Жанубий Асиёда ҳарбий блок тузиш юзасидан АҚШ томонидан уюштирилган конференция очиладиган кунда «Осиё халқларининг бирдамлик кунини» ўтказишга қарор қилдилар.

«Герман милитаризмини тиклаш йўлидаги ҳарқандай уринишга ҳалақит бериш — немис ватанпарварларининг вазифаси»

ГДР ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

БЕРЛИН, 4 сентябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси бош вазирини ҳузуридаги матбуот бўлими қуйидагиларни билдиради:

Германия Демократик Республикасининг Министрлар совети «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартноманинг Франция Миллат мажлиси томонидан рад этилиши муносабати билан юз берган сиёсий аҳволни 3 сентябрда муҳокама қилди. Министрлар совети ташқи ишлар вазирини доктор Лотар Болтнинг таклифига мувофиқ қуйидаги қарорни қабул қилди:

Франция Миллат мажлиси француз халқининг мустақиллигини ва бахтли келажакини қўзда тутиб, «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномани рад этди. Бу қарор Европада тинчликни мустақамлаш ишида олға қараб қўйилган катта қадамдир. Бу қарор ҳамма тинчликсевар кучларнинг муваффақиятидир. Бу кучлар Европа давлатларидан бир қисмининг агрессив ҳарбий группаси негизи сифатида герман милитаризмининг қайтадан тикланишига ҳалақит беришга ниътидир.

«Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномани рад этилиши Европада халқсизликни таъминлаш масаласини ҳарқомонлама ҳал этиш учун, шунингдек Германия проблемасини тинч йўл билан ҳал этиш учун янги имкониятлар явузгада келтиради. Шу сабабдан ГДР ҳукумати мазкур шартномани рад этилишини Германия Демократик Республикасининг бутун аҳолисини ва Гарбий Германиядаги кўпчилик аҳолисини тўла розилиги билан таъриқлайди.

Аденгаурдан олдин ўтган Гитлернинг сиёсати каби Аденгаурнинг сиёсати ҳам бош бери қўчага олиб қиради, чунки бу сиёсат немис халқининг шаридига ва гарбадги қўпчиликнинг ҳаётий мафбатларига ҳилофдир ва улар бу сиёсатга кескин эътироз билдиришмоқдалар. Германия масаласини ва Европада халқсизликни таъминлаш масаласини ҳал этиш учун Германия билан қарадош бўлган барча давлатлар билан самимий ва тотув муносабатлар ўрнатилган талаб этилади.

Агар эндиликда гарбий герман қасосчи ва милитарист вермахтини бошқа бирор шаклда тиклашга ҳаракат қилинлар

экан, «Европа мудофаа бирлашмаси» тўғрисидаги шартномага қарши қандай қураш олиб борилад бўлса, ана шундай уринишларга ҳам қарши шундай қатъият билан қураш олиб бориш керак. Ҳарқандай шаклда «Европа мудофаа бирлашмаси» Гарбий Германия солдатлари билан коалицион армия тузилиши, Гарбий Германияни Шимолий атлантик пактига қабул қилишни ёки бошқа хил йўллари қўзда тутадими — барибир, бу бирлашма немис халқи учун маъбул эмас, чунки у Германияни қайтадан бирлаштириш имконини бермайди ва Европада тинчликка ҳаф тугдиради. Барча немис ватанпарварларининг вазифаси — герман милитаризмининг тиклаш йўлидаги ҳарқандай уринишга ҳалақит беришдан иборат.

Ҳозирги вақтда Аденгаур Гарбий Германия учун суверенитет талаб қилмоқда. Бу суверенитетнинг Гарбий Германия аҳолисини янги уруш таъриғларини қарши, тинчлик ва Германияни тинч йўл билан қайтадан бирлаштириш йўлида зарур қарорини чиқариш ҳуқуқини бериш лозим бўлган чинакам суверенитет билан ҳечқандай алоқаси йўқ. Германия Демократик Республикасининг аҳолиси шундай қарорларни бемалол чиқараолди.

Германия Демократик Республикаси ҳукумати бундай суверенитетнинг Гарбий Германия учун ҳам талаб қилмоқда. Европада тинчликни таъминлаш Гарбий Германияни бирлаштириш учун муносиб бўлган фаилат бир йўл бор. Бу йўл Европада коллектив халқсизлик системасини явузгада келтиришдан иборат. Ана шу коллектив системда Европадаги барча давлатлар ҳуқуқий тенглик асосларида қатнашаолдилар. Ватанизмнинг шарни ва гарбадги немислар эндиликда бир қарорга келишлари керак. Умуманган агона фикрнинг бирлигида белгилаш зарур. Бу эса миллий масаланини ҳал этиш имконини беради ва Европада халқсизликни таъминлашга ёрдам қилади.

Германия Демократик Республикаси ҳукумати умуманган музокараларнинг ўтказилиши кўп марта таклиф этган эди. Германия Демократик Республикасининг ҳукумати ҳозирда ҳам шундай талаб қилмоқда ва битим тузишга ёрдам берадиган барча тadbирларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдиради.

ВАШИНГТОН ФРАНЦИЯГА ТАЪИҚ ҚИЛМОҚДА

«НЬО-ЙОРК ТАЙМС», газетасининг хабари

НЬО-ЙОРК, 3 сентябрь. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетасининг Бонн мухбири Хендлер кеча Боннда ташқи ишлар бўйича сенат комиссиясининг раиси Уайлнинг қилган баёнотини шарҳлаб берди. Бу баёнотда Мендес-Франс ҳукумати шунинг таъин қилинган.

Бу баёнот, — деб ёзди мухбир, — «Иттифоқчиларнинг баъзи доираларида ҳозирги вақтда Вашингтон ва Бонн Францияни яқинлаб қўйиш ва Қўшма Штатлар билан Гарбий Германия ўртасида иттифоқ тузиш билан таъид қилиб, Мендес-Франс ҳукуматини қарантина қилиш ва агар йўл бўлса, агарби ташлаш мақсадига найрағи ишлатишда, деган таасиротини қўйайтири. Иттифоқчиларнинг баъзи мансабдор кишилари шу қадар ҳаддидилардан ошиб кетдиларки, улар Мендес-Франсини бўйсундириб ёки унинг истефо беришига эришиш йўлида уюшқонлик билан қилинаётган уринишлар ҳақидаги гаплар таҳмин қилинганда ҳам кўра кўпроқ нарсани ўз ичига олади, деб таъид қилмоқдалар».

Мухбир ўз баёнотини қуйидаги «қалллар» билан тасдиқламоқчи бўлади: «Қўшма Штатларнинг Европа мудофаа бирлашмаси ишлари бўйича махсус вакили Девид Брюс ва унинг ёрдамчиси Брюссел кенгаши арасида Европа мудофаа бирлашмасига қатнашувчи беш мамлакат пойтахтига бордилар ва Мендес-Франсга қарши бирлашган оппозициянинг таклиф қилинишини талаб этдилар.

ҲИНДИ-ХИТОЙДА ЯРАШ ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМГА ДОИР

ШАНХАЙ, 3 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам информатсия агентлиги билдиради: Марказий Вьетнамнинг жанубий қисмида ва Жанубий Вьетнамда Вьетнам Халқ армияси қисмларини қайтадан гуруҳлаш ишлари 26 ва 31 августда тамом бўлди. Шундай қилиб Халқ армияси қарийб бир минг километр масофадаги фронтда қўшин қисмларини қайтадан гуруҳлаш тўғрисидаги буйруқни етказиб бериш билан боғлиқ бўлган ҳамма қийинчиликларини енгиб, яраш тўғрисидаги битим қондаларини пухта бажарди. Халқ армиясини қайтадан гуруҳлаш даврда маҳаллий аҳоли уни астойдил қувватлади. Бунинг натижасида қайтадан гуруҳлаш тезликда амалга оширилди.

ДАМАШҚДА ХАЛҚАРО ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

ДАМАШҚ, 3 сентябрь. (ТАСС). Кеча Дамашқда халқаро ярмарка тантанали суратда очилди. Ярмаркани очиб вақтида Сурия республикасининг президенти Хоним Атаси, ҳукумат а'золари, дипломат корпуси, савдо ва саноат доираларининг вакиллари ҳозир бўдилар.

Дамашқдаги халқаро ярмаркада 28 давлат, шу жумладан Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, Чехословачия, Венгрия, Болгария, Франция, Италия, Миср, Саудийлар Арабистони ва бошқа мамлакатлар қатнашмаётди. Англия ярмаркада қатнашмаётди. АҚШ сўнгги пайтагига ярмаркада қатнашмаси.

Корея ишчилари ва хизматларининг мукофотланishi

ПХЕНЬЯН, 3 сентябрь. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлиги Кансон металлургия заводи ишчилари ва хизматчиларини 28 кишини корхонани тиклаш соҳасида фидокорона ишлаганликлари учун республиканинг ордени ва медаллари билан мукофотлаш тўғрисида Корея Халқ-Демократик Республикаси Олий халқ мажлиси президиумининг фармони билан қилди.

Болливияда банк хизматчиларининг забастовкаси

НЬО-ЙОРК, 3 сентябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс агентлиги мухбирининг билдиришича, Болливия банк хизматчилари ишқийининг оширилишини талаб этиб, забастовка э'лон қилганлар.

Франция ҳукуматида аҳвол

ПАРИЖ, 3 сентябрь. (ТАСС). Газеталар Франция ҳукуматининг уч министри — Париж шартномасининг, тарафдорлари Буржес-Монри, Эмил Юг ва Клодус-Петининг истефо берганлигини билдиришди. Шундай қилиб ҳозирги вақтда олти министр лавозими — миллий мудофаа, жамоат ишлари, реконструкция, юстиция, саноат ва савдо, шунингдек меҳнат вазирлиги лавозимлари бўшди.

Грек металлургияларининг забастовкаси

АФИНА, 3 сентябрь. (ТАСС). Хабар беришларига қараганда, Пирейдаги лиспрокатчиларнинг 37 кунлик забастовкаси галаба билан тамом бўлган. Корхона ағалари ишчиларнинг ҳамма талабларини қабул қилганлар.



Пойтахтнинг Комсомол майдони йилдан-йилга обод ва кўркем бўлиб бормоқда. Бундан бир-икки йил илгари Тошкентдан кетиб, шу кунларда қайтиб келган киши Комсомол майдонини эурга танилолади. Бу ерда Тоғ техникумининг студентлари учун беш қаватли ётоқхона биносидан қад кўтарди. Майдон асфальтланди, атрофига ҳар хил гуллар экилиб, хўшманзара жой — сайроғча айлан-тирилди. Янгида бу ерда қурилатган янги фонтан битказилиб ишга туширилди. Бу фонтан Театр майдонидagi фонтандан анча каттадир. Фонтан ҳовузининг узунлиги 45 метр, кенглиги 15 метр. Ҳовузнинг бош томонида бронзадан ишланган 3 каскадлик марказий фонтан қурилган, бунга ўрнатилган трубалярнинг диаметри 32 сантиметр.

Марказий фонтаннинг биринчи каскадидан отилиб чиққан сув бир яр метр баландликка ва 5—6 метр узоқликка, иккинчи каскадидан отилиб чиққан сув 4,5 метр

баландликка ва учинчи каскадидан отилган сув 11—12 метр баландликка кўтарилади. Марказий фонтандан отилиб чиққан сув ранг-баранг электр нурлари билан ёритиб турилади.

Ҳовузнинг марзалари бўйлаб 237 та кичик фонтанча-лар ўрнатилган. Фонтаннинг атрофи катта гулзорга айлантирилди.

Фонтан проектини М. С. Булатев, Л. Г. Караш, В. В. Маслов ўртоқлар ишлаган. Проектнинг бош инженири — В. Н. Левченко. Шу кунларда Комсомол майдонидagi янги ишга туширилган фонтан атрофи шаҳар меҳнаткашларининг маданий дам оладиган хўшманзара ва баҳаво жойига айланиб қолди.

СУРАТДА: Комсомол майдонидagi фонтаннинг умумий кўриниши. В. САЛОВ фотоси.

Марксизм-ленинизм кечки

университетларида машғу-

лотлар бошланди

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм кечки университетда ва унинг 12 филиалида 3 сентябрь кунини машғулот бошланди. Ҳозирги вақтда университетда ўтган йилдан 1000 та ортиқ киши ўқимокда.

Октябрь район партия комитети ҳузуридаги энг янги районлараро филиалнинг ўқувчилари ўқишга киришдилар. Бу ерда Сталин, Москва, Киров ва Октябрь районларидаги корхоналар ҳамда муассасаларнинг ходимлари ўз сиёсий билимларини оширишмоқдалар. Бу ерда маълумотлар Ўзбек тилида ўтказилади. Марказий район партия комитети ҳузурида янги филиал очилди.

Янги ўқув йили бошланиши олдидан оширилган талаблар ва янги ўқув йилидаги мувофиқ равишда ўқиш процессини қайта қуриш юзасидан университетда катта ишлар қилинди. Бу йил биринчи марта унинг курси ташкил этилди. Бу курсда партия ва совет қурилиши масалалари юзасидан, саноат корхоналарининг экономикаси, иқтисодий ва сиёсий биография, адабиёт ва санъат юзасидан лекциялар ўқилади.

Ҳозир университетда тўрт мингдан ортиқ киши ўқимокда. Ўқув курсларида 49 та лекция ва 178 та семинар группаси ишлайди. (ЎзТАГ).

Оммовий халқ сайли

Пушкин номидаги маданият ва истироҳат паркида Тошкент шаҳар, Октябрь район меҳнаткашлари ва уларнинг оила а'золарининг йиллашиб келаётган Ўзбекистон 30 йиллига бағишланган оммовий халқ сайли бўлиб ўтди.

Парк лекториясида «Совет Ўзбекистон» ташкил этилганининг 30 йиллиги» темасида лекция бўлиб, Ёзлик майдончаларда давлат эстрада, Республика маданият уйи ва райондаги техникумлар бадий ҳаваскорларининг кучи билан концертлар қўрсатилди. Чойхона — ўқиниш хонада эса «Социалистик Ўзбекистон» кинофильми намойиш қилинди.

Оммовий сайл райони тунгача давом этди. Кишилар ўйнадилар, қўшқилар ва ашуларай айдилар, қарнай, сурнай ва духобой оркестр садолари остида оммовий рақсларда қатнашдилар.

Харидорларга хизмат

яхшиланмоқда

Тошкент шаҳрининг Карл Маркс кўчасида жойлашган универмага харидорларга хизмат қўрсатиш яхшиланмоқда. Ҳозир бу ерда баъзи донналар сотилганлиги товарларни сотувчи сотиш ташкил этилган, магазиндан сотиб олинган тайер кийимларни харидорга мослаб бепул қайта тикни уюштирилган.

Янги кунларда бу ерда шахсий буюртмалар ателеси очилди. Унда универмагадан харид қилинган матолардан кийимлар тикилади. Бундан ташқари тикиб битказилмаган буюмларни сотиш ташкил этилади. Шундай қилиб харидор шу ернинг ўзидаёқ ўзиб олган буюмларни 1—2 соат ичда олиш имкониятига эга бўлади.

Троллейбус хизматининг

рационализаторлари

Тошкент троллейбус-трамвай трестиди рационализаторларининг сафари ой сайин кенгаймоқда. Улар меҳнат унвонини оширишга, материалларни тежасли қаратилган таклифларни қўллаб таъдир этмоқдалар.

Аваллари хариди деталлар, масалан, ички соти, унинг ташқи салынги ва бошқалар учун юқори сифатли чарм қўпроқ ишлатилар эди. Мастерлардан Коновалов, Тимошенко каби ўртоқларнинг таклифи бўйича ҳозир чарм ўрнига мустахкам резина ишлатилмоқда. Ишлардан ўртоқ Пекиннинг ташаббуси билан рационализатор бўлимоқда махсус аппарат (автомат) ўрнатилди. Бу аппарат ёрдамида ишлабчиришдан чиққан резина чипчиқларининг ҳаммасидан фойдаланиш имконияти туғилди, ишчиларнинг меҳнат улуғи янги марта ошди.

Илмий-атеистик темаларда

лекция

Қуйишев районидagi шаҳар кутубхонасида илмий-атеистик темаларда тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Янгида сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи республика жамиятининг а'зо си ўртоқ Даниел кутубхоналар ўртасида «Дин фаннинг душманлари» деган темада лекция ўқилди. Кутубхонада илмий-атеистик темада ўтказган суҳбатига юздан ортиқ киши иштирок этди.

Буллардан ташқари кутубхонанинг ўқиниш залида «Фан билан дин ўртасидаги кураш» деган темада китоб стенида ташкил қилинди. Бунда Н. Коперник, Чарльз Дарвин, М. В. Ломоносов, И. М. Сеченов, К. А. Тимирязев ва Д. И. Менделеев бори машҳур олимларнинг асарлари бор.

Горький паркида

Максим Горький номи маданият ва истироҳат паркида 3 сентябрь кунини Япония устидан қозонилган галаба кунига бағишланган халқ сайли бўлиб ўтди. Бог территориясида «Ўроқ ва болга», «Биз тинчлик тарафдоримиз» ва бошқа темаларда ракета ва шарлар ёқилди. Шунингдек боғнинг ўқув залида тарих фанлари кандидати Зуфаров, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи республика жамиятининг а'золари Губаров, Пичуков ўртоқлар «Япония устидан қозонилган галаба кунини», «Халқаро аҳвол ва тинчлик учун кураш» ҳамда «Социалистик Ўзбекистонда саноатнинг ривожланиши» деган темаларда лекция ўқидилар.

Кўча магазин ва

универмаглар

Тошкент темир йўлида кўча вагон-магазинларнинг кенг тормоғи ишлаб турипти. Ўйла 31 та вагон-дўхон, 17 та ишон магазин, бир қанча махсус универмаг поезд, кerosин сотадиган 3 та цистерна қатнаб турипти.

Ўйло оқолатларида ва водокачкаларда ишайдиган транспортчилар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари автомашиналарда ҳамда автодрезиналарда етказиб беришмоқда.

Кўча магазинларнинг ходимлари темирйўлчилардан молларга олдиндан заказлар қабул қилмоқдалар. Сўнгги бир неча ой ичда ана шундай заказлар бўйича 100 тадан ортиқ велосипед, 20 мотоцикл, 154 та радиоприйимни, 260 та тикув машинаси, 600 тадан ортиқ қўват, 217 та соат, жуда кўп гардируб, дишань, буфет, китоб шкафлари келтирилди ва сотилди.

Кўча магазинлар ва универмаглар бу йил йўл станциялари линияларида минг мартадан ортиқ бордилар. (ЎзТАГ).

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (кишики бино) — 5/IX да кундуз ва кечкурун Алшар Навоний, 7/IX да Кўтагуз қон. МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (Ҳамза номи театрининг ёғи биноси) — 5/IX да Фарҳод ва Ширин, 6/IX да Тохир ва Зухра.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз соат 4 гача, НАВОНИЙ номи, «ЕШ ГВАРДИЯ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги бадий фильм Тоғ кўлининг сирин.

«РОДИНА» — кундуз соат 4 дан Тракторчилар. НАВОНИЙ номи — кеч соат 10 да Венеция кечаси.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кечкурун Георгий Саакадзе (кикала серия).

Маданият уйида

Октябрь районидagi республика маданият Уйи ўзбек хотин-қизлари ўртасида ишлабчириш техникасини пропаганда қилиш ишида катта муваффақиятларга эришмоқда. Бу ерда фан ва техника йилликларини ҳақида тез-тез қизлар доғлад ва лекциялар ўқилади, кинофильмлар кўрсатилади, шаҳар